

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил август ойининг 2 куни, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Оққўрғон туман суди ўз биносида очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи, суд раиси С.Т.Исакулов, судья ёрдамчиси Ш.Йўлдошбоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Оққўрғон туман прокурори ёрдамчиси К.Мухамедов, судланувчи Ш.Алимов ва унинг манфаатларини ҳимоя қилаётган “ADVOKAT DUR” адвокатлик фирмаси адвокати М.Хатамов, жабрланувчи Ш.Хакимжонов ва унинг манфаатларини ҳимоя қилаётган “AYPREZ-PLYUS” адвокатлик фирмаси адвокати М.Рискуловнинг иштирокида, Алимов Шахбоз Акрอม ўғлига нисбатан 1-1109-2301/130 сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Алимов Шахбоз Акром ўғли (Alimov Shaxboz Akrom o'g'li), 1998 йил 7 июлда Оққўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, “Алфраганус” университети 1-босқич талабаси, оилали, муқаддам жиноят ишлари бўйича Қуйичирчиқ туман судининг 2020 йил 14 октябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖК 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тугатилган, ҳарбий хизматга мажбур, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, “Тортувли” мфй, Равнақ кўчаси, 19-уйда истиқомат қилади, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 25 июль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан айбланиб судга берилган.

Суд, тарафларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини муҳокама қилиб, уларнинг кўрсатувларини тинглаб, давлат айбловчиси ва ҳимоячиларнинг фикрларини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Ш.Алимов 2023 йил 26 апрель куни соат 10:00 ларда жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш мақсадида, таниши Хакимжонов Шохрух Зокиржон ўғлига тегишли Оққўрғон тумани, С.Рахимов мфй, Оққўрғон кўчаси 25-уйда жойлашган “Барака-сосисочная” МЧЖга қарашли жамоат жойи ҳисобланган ошхона олдида бўла туриб, жамоат жойида безорилик қилиш мақсадида, Ш.Хакимжоновга ўзига тегишли бўлган “Нексия донс” русумли, давлат рақам белгиси 10P265YA бўлган автомашинасини аслида мумкин бўлмаган ушбу ошхона олдида қўйишини айтиб, қаршилиқ кўрсатишига



қарамасдан, унга зўрлик ишлатиб, турли хилдаги сўзлар билан ҳақорат қилиб, қўллари билан ўнг кўз қисми ва танасининг турли жойларига уриб, тан жароҳати етказган.

Оқибатда Ш.Ҳакимжонов олган тан жароҳатлари билан Оққўрғон туман марказий шифохонасига мурожаат қилган.

Ўтказилган судга оид тиббий экспертизасининг 26.05.2023 йилдаги 262-сонли хулосасида, Ш.Ҳакимжоновни ўнг кўз контузияси ўрта даражаси, кўриш ўткирлигини пасайиши, ўнг кўз юқори қовоғида қонталашлари, ўнг кўз склерасига ташқи томондаги субконъюнктивал қон куйилиши, кўкрак қафаси олд юзасидаги, ўнг елка соҳасидаги, чап елка камари олд юзасидаги, ўнг елка соҳасидаги, чап елка камари орқа юзасидаги, бош энса сочли соҳасидаги қонталашлари, ўнг ва чап тизза бўғими олд юзасидаги шилинмалари каби жароҳатлари, қаттиқ-ўтмас жисм таъсиридан олинган бўлиб, муддати қарорда кўрсатилган вақтга тўғри келиши мумкини. Ушбу олган тан жароҳати узоқ вақтга, яъни 21 кундан ортиқ бўлмаган муддатга соғлиғини бузилишига сабаб бўлади ва шу белгисига кўра оғирлик даражаси бўйича соғлиқнинг қисқа муддатга бузилишига олиб келган “Енгил” тан жароҳатларига кириши аниқланган.

Дастлабки тергов органи томонидан Ш.Алимовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинган.

Суд мажлисида жабрланувчи Ш.Ҳакимжонов дастлабки тергов даврида берган кўрсатмаларини тасдиқлаб, ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, унда судланувчи Ш.Алимов билан ярашганини, Ш.Алимов ундан кечирим сўраб, унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ бартараф этганини, ҳозирда Ш.Алимовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, суддан ярашувни тасдиқлаб, судланувчига нисбатан бўлган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида судланувчи Ш.Алимов айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканини, жабрланувчидан кечирим сўраб, унга етказилган зарарни бартараф этганини, жабрланувчи Ш.Ҳакимжоновнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, улар билан ўзаро ихтиёрий равишда ярашиб олганини инobatга олиб, суддан ярашувни тасдиқлаб, унга нисбатан бўлган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўраб кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг бир қатор моддаларида, шу жумладан 277-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига тўлиқ иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши қайд этилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида жабрланувчи Жиноят кодекси 66¹-моддасида назарда



тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақидаги” 27-сонли Қарорининг 10-бандида кўрсатилишича “Ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш пайтида судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, ушбу ҳуқуқий институт фақат ЖКнинг 66¹-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноятларни содир этган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин” деб кўрсатилган.

Суд, юқоридаги қонун ҳамда Пленум қарорлари талабларига риоя қилиб, жабрланувчи ва судланувчи суд мажлисида ярашганликларини, жабрланувчи судга бу ҳақда ариза берганлигини ва аризани ихтиёрий равишда ёзганлигини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини, судланувчини айбига иқдорлигини, жабрланувчи билан ярашганлигини ва етказилган зарарни бартараф этганини инобатга олиб, суд унга нисбатан жиноят иши бўйича иш юритишни ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига кўра, унинг жиноят содир этишда айблилик масаласини ҳал қилмасдан тугатишни;

Жабрланувчи Ш.Ҳакимжоновга ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни;

жиноят иши ҳужжатларига илова қилинган бир дона “DVD” дискни жиноят ишида сақлаш учун қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 582-583, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан айбланиб судга берилган **Алимов Шахбоз Акром ўғли** (Alimov Shaxboz Akrom o'g'li)га нисбатан жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Ш.Ҳакимжоновга ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Ш.Алимовга нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва айти пайтда Тошкент вилоят ИИББ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг депозит



ҳисоб рақамида сақланаётган 6.600.000 сўм пул гаровга қўювчи Ш.Алимовга қайтарилсин.

Жиноят иши ҳужжатларига илова қилинган бир дона “DVD” диск жиноят ишида сақлаш учун қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим устидан йигирма сутка муддат ичида ушбу туман суди орқали Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

С.Т.Исакулов

Ҳужжат имзоланган: Исакулов Санжар Турдикулович, 26.08.2023

